

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2023 йил 11 февраль, № 29 (8372) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# САНОАТ РИВОЖИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожи билан танишиш мақсадида 10 февраль куни Жиззах вилоятига ташриф буюрди.**





Сафар дастуридаги биринчи манзил Пахтакор туманидаги "Пахтакор элита уруғчилиги" фермер хўжалиги бўлди. Хўжалик майдони 100 гектар бўлиб, шундан 80 гектарида пахта ва ғалла, қолган қисмида соя, саримсоқпиёз, беда экилган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили октябрда Сирдарё вилоятида бўлганида дала четларидаги ерлардан самарали фойдаланиш, фермер ва ишчиларга қулайлик яратиш учун дала уйлари қуриш зарурлигини айтган эди. Бунинг ижроси ва самараси мазкур фермер хўжалигида намоён. Дала четига тут, узум, полиз ва дуккакли маҳсулотлар экилган, асалари уялари қўйилган. Енгил конструкциялардан дала уйи қурилган, унинг томида қуёш панеллари ўрнатилган.

Президентимиз ушбу уйни кириб кўрди, фермер оиласи билан суҳбатлашди.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари ва пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари билан мулоқотда ҳосилдорликни ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Биз нимага бойлигимиз бўлган ерни кластерларга бердик? Халққа нафи тегиши учун. Энди кластерлар ислоҳотларга муносиб бўлиб, давлат сиёсатини амалга ошириши керак. Қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, корхоналар очиш ва касаначилик орқали ўз ҳудудида ишсизликни камайтириши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, юртимизда ишсиз фуқароларга деҳқончилик учун ерлар ажратилмоқда. Жиззах вилоятида бу орқали 13 мингдан зиёд ёшларнинг бандлигини таъминлаш мўлжалланган.

— Бир пайтлар 1 гектар ерни халққа бериш мумкин эмасди. Ҳозир 200 минг гектар ажратдик. Нима учун? Одамларга даромад манбаи бўлиши учун. Энди "қарсак икки қўлдан чиқиши" керак, — деди давлат раҳбари.

Фермерларнинг манфаатдорлигини таъминлаш, маҳаллаларнинг "ўсиш нуқталари"ни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев "Жиззах" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Олдинлари Жиззах вилояти саноат кўрсаткичлари аҳоли жон бошига энг паст бўлган ҳудудлардан бири эди. Бугунги кунда ҳар бир туманга саноат кириб борди.

"Жиззах" эркин иқтисодий зонасида 27 та лойиҳа амалга оширилиб, 5 минг 300 га яқин иш ўринлари яратилган. Охирги йилларда унинг фаолияти такомиллаштирилиб, бизнес учун қулайликлар янада кенгайтирилди. Ҳозир бу ерда кўп турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар қаторига 2022 йил октябрда "Iruskon" қандолат корхонаси ҳам қўшилди.

Давлатимиз раҳбари унинг иш жараёнини, маҳсулотларини кўздан кечирди.

Корхонада Россия, Туркия, Германия ва Италия тажрибаси асосида "Deya" бренди билан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик қуввати 12 минг тонна. 100 га яқин кишилар иш билан таъминланган. Келгуси йил иккинчи босқич учун Германия ва Туркиядан яна 5 миллион долларлик ускуналар олиб келиш режалаштирилган. Бунинг натижасида 550 нафар янги иш ўрни яратилади.

Иқтисодий зонадаги яна бир корхона — "Master Building Products" масъулияти чекланган жамиятида йилига 3 миллион дона қувур ва фитинг маҳсулотлари, қурилиш материаллари тайёрланади. 600 га яқин иш ўринлари яратилган. Давлатимиз раҳбари ушбу маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

"Global Optical Communication Uzbekistan" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳам кўздан кечирилди. Бу ерда йилига 85 минг километрлик оптик толали кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 115 киши меҳнат қилмоқда.

Президентимиз корхоналарда маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берди.

"Жиззах" эркин иқтисодий зонасида яна 14 лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 5 таси жорий йилда ишга туширилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳридаги Қозон федерал университети филиалида бўлди.

Бу университет Россиядаги энг қадимий ва кенг қамровли олий таълим муассасаларидан бири. Унинг Жиззах филиали ўтган йили иш бошлади ва бугунги кунда 325 нафар талаба таълим олмоқда. Умуман, муассаса 1 минг 88 ўринли.

Бу ерда даволаш иши, стоматология, фармация, тиббиёт биокимёси, журналистика, иқтисодиёт, геология, тилшунослик, дастурий муҳандислик, ахборот тизимлари ва технологиялари ҳамда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш каби 11 йўналишда мутахассис тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари муассаса учун қўшимча бино ажратиб, қулайликларни кенгайтириш бўйича кўрсатма берди.

Президент Шавкат Мирзиёев 10 февраль куни Жиззах вилоятида саноатни ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Вилоятда янги саноат корхоналари барпо қилиш учун сўнгги олти йилда қарийб 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилинган. Бунинг натижасида 2 мингга яқин янги корхоналар ташкил қилиниб, ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 бараварга ошди.

Олдин вилоятнинг саноат маҳсулоти, асосан, пахта толаси бўлган бўлса, ҳозирги кунда электротехника, оптик тола, автомобиль, мураккаб кимёвий моддалар, энерготежамкор материаллар каби юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу соҳада 54 минг аҳоли банд. Вилоятда саноат экспорти 1,8 баравар ошиб, 166 миллион долларга етди.

Давлатимиз раҳбари бу суръатни давом эттириб, жорий йилда вилоят саноатини 14 фоизга ошириш имконияти борлигини таъкидлади. Бунинг учун 750 миллион долларлик 10 та йирик лойиҳа ва 580 миллион долларлик 110 та ҳудудий саноат лойиҳаси бажарилиши қайд этилди. Уларда 7 минг 500 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, келгуси икки йилда Жиззахда автомобилсозлик ва металлургия соҳаларида йирик лойиҳалар ишга тушади.

Жиззахда энг тез ўсаётган саноат тармоғи бу — қурилиш ва энергиятежамкор материаллар ишлаб чиқариш. Охирги беш йилда бу соҳада 180 та янги корхона ташкил этилган, 900 миллион долларлик 210 та лойиҳа ишга туширилган. Бунинг ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 10 баравар ошиб, импорт бўлаётган 110 миллион долларлик маҳсулотлар маҳаллийлаштирилди, экспорт эса 7 баравар кўпайиб, 35 миллион долларга етди.

Вилоятда биргина базальт захираси 26 миллион тонна бўлиб, республикадаги жами захиранинг 25 фоизини ташкил этади. Лекин булар илгари умуман ишлатилмаган. Ҳозир эса базальтдан талаб юқори бўлган 7 хил замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу Фориш туманида 6 та корхонадан иборат яхлит кластерга айланди.

Шу билан бирга, Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Зомин, Зарбдор, Зафаробод, Фориш ва Янгиободда базальт, цемент, керамзит, шиша ва минерал хомашё захирасига бой 200 га яқин конлар бор. Президент уларга тадбиркорларни жалб қилиб, бозорбоп маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Бу йил қурилиш материаллари бўйича 460 миллион долларлик 31 та лойиҳани ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда энергетика таъминотини яхшилаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Жиззах вилоятида камида 2 минг мегаватт қайта тикланувчи энергия манбалари учун салоҳият борлиги таъкидланди. Бундан фойдаланиб, 270 мегаватт қуёш энергияси қувватлари ишга туширилиши айтилди. Бунинг ҳисобига 236 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, танқислик ортиғи билан қопланади, жами 71 миллион куб метр газ тежалади.

Жумладан, Ғаллаоролда Бирлашган Араб Амирликларининг "Масдар" компаниясининг 200 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобидан, 220 мегаватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилади. Келгуси йилда бу станция тўлиқ қувватга чиқиб, 500 миллион киловатт-соат электр олинади ва вилоят эҳтиёжининг 20 фоизини қоплайди.

Шунингдек, ижтимоий соҳа ва давлат идоралари биноларида 5 мегаватли, саноат зонаси ва тадбиркорлар биноларида 15 мегаватли қуёш панеллари ўрнатиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Аҳоли хонадонларига 8 мегаватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш учун жозибадор шароитлар яратилади. Тадбиркорларнинг ўз эҳтиёжлари учун 5, 10, 15 мегаватли қуёш станциялари қуриш ташаббуслари қўллаб-қувватланади.

Зафарободда бу йил жами 2 мегаватли 2 та кичик ГЭС қурилади ва бу йил 2,4 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқаради. Осиё тараққиёт банки билан бирга Форишда 150 мегаватли йирик қуёш станцияси лойиҳаси бошланади. Бу станция тўлиқ қувватга чиққанда, 370 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқаради. Жиззах шаҳрида ҳам иссиқлик, ҳам электр энергияси ишлаб чиқарувчи когенерация маркази қурилади.

Давлатимиз раҳбари Жиззах электр тармоқларидаги йўқотишлар кўп эканини қайд этиб, буни камайтириш, вилоятда 4 мингдан зиёд корхоналарнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Вилоят жамоатчилиги вакиллари, нуронийлар ва ёшлар билан мулоқот бўлди. Улар юртимиздаги янгиланишлар, яратилаётган шароитлар самараси ҳақида ўз ҳаёти ва фаолиятидаги муваффақиятлар мисолида сўзлаб берди. Давлатимиз раҳбари уларнинг таклиф ва ташаббусларини тинглаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Йиғилиш сўнгида яна бир муҳим воқеа — 3 та янги корхонани ишга тушириш маросими бўлди. Улар — Фориш туманидаги "Eco Basalt Group", Жиззах саноат зонасидаги "Mono Electric" ва "Super medical elements" ширкатларидир.

Биринчи корхона базальтдан йилига 5 минг тонна композит қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. "Mono Electric"да 1 минг 500 турдаги электр техника маҳсулотлари, "Super medical elements"да 40 турдаги тиббий буюмлар ишлаб чиқарилади. Ушбу корхоналар ҳисобига 700 дан ортиқ аҳоли юқори даромадли доимий иш жойига эга бўлади.

Маросимда видеоалоқа орқали корхоналар вакиллари билан мулоқот қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, янги корхоналарни ишга туширди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи якунланди.


**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Абдужалол ҚАЮМОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик саноат зоналарини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш, тайёр мебель маҳсулотлари экспортини рағбатлантиришни кучайтириш, соҳага малакали кадрларни жалб этиш мақсадида:

**1.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 феврaлдан 2024 йил 1 январга қадар**:

тайёр мебель маҳсулотларини экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига хориждаги офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш харажатларининг бир қисмини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб беришда мазкур **нотураржойлар майдонига қўйилган меъёр кўрсаткичи 100 квадрат метрдан 250 квадрат метрга оширилади**;

йиллик тушумида тайёр мебель маҳсулотлари экспортидан тушум улуши камида 30 фоизни ташкил қиладиган маҳаллий корхоналар томонидан инженер-технолог, лок ва бўёқ сепиш устаси, дизайнер каби хорижий мутахассислар жалб қилинганда, улар **иш ҳақининг 25 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 9 бароборидан кўп бўлмаган қисми** Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.


**(Давоми 2-бетда).**


## МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ПЛАТФОРМА

*Қозоғистон Республикасининг Туркистон шаҳрида Марказий Осиё давлатларининг биринчи парламентлараро форуми бўлиб ўтди.*

*Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги мамлакатимиз парламенти делегацияси иштирок этди.*

### Форум

Форум қатнашчиларига минтақа давлатлари раҳбарлари қутлов сўзларини йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатларининг биринчи парламентлараро форуми иштирокчиларига табригини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Тадбир давомида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда бу жараёнда парламентлар ролини янада ошириш масалалари атрофлича таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган минтақа давлатлари раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган фаол сиёсий мулоқоти тобора изчиллик ва мунтазамлик касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, минтақамизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, чегараларимиздаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш ҳамда иқтисодиёт, инвестиция, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш ва экология билан боғлиқ минтақавий, халқаро аҳамиятга эга масалалар бўйича муҳим ташаббус ҳамда қарорлар қабул қилишда ҳал этувчи омилга айланди.

Форумда бугунги кунда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда парламент дипломатиясининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганига ҳам урғу берилди. Айниқса, ҳозирги глобал таҳдидлар шароитида қардош ва дўст халқлар парламентларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Шундан келиб чиқиб, минтақа давлатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам бу борада муҳим қадамлар ташланди. Буни энг яқин қўшниларимиз билан парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси ҳамда унинг доирасида рўёбга чиқарилаётган ижобий ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.


➡ 2


### Таҳлил

**Ҳозирги шиддатли геосиёсий қарама-қаршиликлар шароитида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, шу билан бирга, ахборот хавфсизлиги соҳаларида кескин муаммолар пайдо бўлмоқда. Мураккаб халқаро вазият, хавфсизликка нисбатан хавф-хатар ва таҳдидларнинг кучайиши Марказий Осиёда ҳам кузатилмоқда.**

## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХАВФСИЗ АХБОРОТ МАЙДОНИ ЗАРУРАТИ

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, мана шундай шароитда Қуролли Кучларни рақамлаштиришни жадаллаштириш, соҳадаги вазирлик ва идораларнинг барча ахборот ресурсларини ягона хавфсиз ахборот майдонига бирлаштириш зарур ва шарт.

Гап шундаки, навқирон авлодни бугунги ахборот маконида мавжуд таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда ёт ва зарарли ғояларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшлар, айниқса, уюшмаган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги амалий ишлар самарадорлигини ошириш устувор масалага айланмоқда. Глобаллашув жараёнлари шароитида у ёки бу мамлакатнинг миллий хавфсизлигига қаратилган таҳдидлар орасида ахборот хуружлари асосий ўринни эгаллаётганини мутахассислар унинг фуқаролар онгига таъсир этиш кучи юқорилиги билан изоҳлайди.


➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатлари экспорт ҳажми ҳар чоракда **1 миллион доллардан** ортган корхоналарга чорак якуни билан келгуси ойнинг 10-санасигача тақдим этилган ҳужжатлар асосида тўланади.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5155-сон қарорига 2-иловада назарда тутилган хомашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкалари қўлланилиши **2024 йил 1 январга қадар** узайтирилсин.

**3. 2023 йил 1 феврадан 2024 йил 1 январга қадар** бўлган даврда 1-иловага мувофиқ мебель ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилсин.

**4.** Сув хўжалиги вазирлигининг Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Кўқонбой маҳалласидаги сув хўжалиги биносини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда Фарғона вилояти ҳокимлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда мазкур бинони маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан қайта таъмирлаш, инфратузилма, ахборот-кутубхона маркази, асбоб-анжомлар, моддий-техника ва хомашё базаси билан таъминлаш ҳамда ёғоч ўймакорлиги, мебелсозлик, зардўзлик ва наққошлик каби миллий ҳунармандчилик соҳасига ихтисослаштирилган замонавий умумтаълим мактабини ташкил этиш юзасидан халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашига таклиф киритиш чораларини кўрсин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5155-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

**6.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги икки ой муддатда:

республикада фаолият кўрсатаётган мебелсозлик корхоналарини Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси томонидан тўлиқ қамраб олишни рағбатлантириш;

маҳаллий мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарни инвентаризациядан ўтказиш асосида уларнинг рўйхати, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари, қувватлари ва бошқа кўрсаткичлари электрон базасини шакллантириш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**7.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш.Қудратов белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 10 февраль

# МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ПЛАТФОРМА

1

Шу муносабат билан парламентимиз делегацияси раҳбари ўз нутқида Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора жадал тус олаётгани, бу эса парламентлар аъзоларига катта масъулият юклашини таъкидлади.

Ўз навбатида, форумда халқаро сиёсатдаги юқори нотинчлик шароитида ва жаҳон иқтисодиётидаги инқирознинг кучайиши фонида Марказий Осиё давлатлари парламентлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва уларда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда якдилликни мустаҳкамлашга бўлган талаб ортиб бораётгани қайд этилди.

Шу маънода, мазкур форум муҳим ўрин тутади. Негаки, бу платформа минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришда парламентлар ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш имконини беради. Гап шундаки, қонун чиқарувчилар аҳоли эҳтиёжи ва соҳадаги муаммолардан яхши хабардор бўлиб, бу Марказий Осиёда яшовчи халқлар манфаатига жавоб берадиган ечимларни топишда қўл келади.

— Биз яратаётган янги платформа парламентлараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва бу борадаги ишларни кучайтиришга туртки беради. Шундан келиб чиқиб, миллий норматив-ҳуқуқий асосларни уйғунлаштириш ва яқинлаштириш учун мавжуд қонунчилик нормаларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, — деди делегациямиз раҳбари.

Форумда умумий тарихий-маданий мерос асосида маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришда парламент аъзолари иштирокини кучайтириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Зеро, минтақа халқлари ўртасида асрлар давомида шаклланган ва ҳозирги кунда тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстона алоқалар тил ва дин, урф-одат ва қадриятларимиз муштараклигига таянади.

Шундан келиб чиқиб, иштирокчилар мамлакатларимиз ўртасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш, турли форум, фестиваль ва маданий тадбирларни ўтказиш, халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилувчи туризм соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

Якунда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни кучайтириш, бу борада парламентлар салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган Туркистон декларацияси қабул қилинди.

* * *

Марказий Осиё давлатларининг биринчи парламентлараро форуми доирасида яна қатор учрашув ва тадбирлар бўлиб ўтдики, булар ҳам унинг аҳамиятини янада оширишга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Хусусан, форум доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев билан учрашди.

Мулоқотда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик юқори ишонч ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланиб бораётгани, ўз навбатида, алоқаларнинг фаоллашуви мамлакатларимизнинг кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Конструктив ва амалий руҳда кечган мулоқотда парламентлараро ҳамкорлик истиқболлари, хусусан, ўзаро ришталарни янги мазмун билан бойитиш юзасидан фикр алмашилди.

Т. Норбоева Ўзбекистон — Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама алоқалар мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда парламентлараро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш муҳимлигига ҳамда парламент аъзолари давлатларимиз раҳбарлари томонидан белгиланган мақсадлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш йўлида барча саъй-ҳаракатни ишга солиши лозимлигига урғу берди. Айни чоғда, маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш қардош халқлар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим омил экани, парламентлар маданий алмашинувларни, хусусан, фан, таълим, туризм, спорт ва бошқа соҳаларда қўшма фаолиятни қўллаб-қувватлашда фаол бўлиши кераклиги қайд этилди.

М. Ашимбаев Марказий Осиё давлатлари форумининг минтақавий аҳамиятига тўхталиб, уни ташкил этиш ташаббускори айнан Ўзбекистон бўлганини таъкидлади. Икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик янги платформада янада янги босқичга кўтарилиши ва икки давлат ўртасида юқори даражада эришилган турли соҳалардаги келишувлар бундан-да самарали бўлишига ишонч билдирди.

Мулоқот чоғида томонлар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада кучайтириш мақсадида парламентларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини ҳам айтиб ўтишди.

Якунда икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги кенг кўламли масалалар юзасидан мунтазам равишда мулоқот ва фикр алмашишни давом эттиришга келишиб олинди.

* * *

Форум доирасида Сенат Раиси Марказий Осиё давлатлари парламент делегациялари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

Сўнгра делегациямиз аъзолари Туркистон шаҳридаги тарихий, маданий ёдгорликлар билан танишди, шу жумладан, Ҳазрат Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилди.

**«Халқ сўзи».**

# МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

*Кеча Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида “Миграция хавфсизлиги: сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар, муаммолар, таҳдидлар ва уларнинг Марказий Осиё давлатлари контекстида Қирғиз Республикасига таъсири” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.*

## Конференция

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов, Қозоғистон парламенти вакиллари, Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари, Қирғиз Республикаси Жокорку Кенеши Торағаси вакиллари ҳамда вазирлик ва идораларнинг масъуллари, олимлар иштирок этди.

Конференцияда сенатор Қ. Бурҳонов “Ўзбекистон Республикасининг мигрантлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тажрибаси” мавзуида чиқиш қилди.

Тадбирда меҳнат мигрантларининг хорижий давлатлардаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, улар орасида жиноятчиликни камайтириш, юқори малакали кадрлар хорижга чиқиб кетишининг давлат тараққиётига бўлган таъсири каби масалалар атрофлича муҳокамадан ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

# БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Шу кунларда муҳокамага қўйилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси халқимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Негаки, мазкур лойиҳада белгиланган долзарб вазифалар аҳоли ҳаёт даражасини янада ошириш, таълим сифатини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга йўналтирилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.*

## Мушоҳада

Мисол тариқасида халқимиз соғлиғини сақлаш ва ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамоллигини кўзлаган ҳолда белгиланган долзарб вазифаларни олиб кўрайлик. Бу вазифалар учун катта миқдорда маблағ йўналтирилаётганидан ташқари, янгича ёндашувларга қўл урилаётганлиги, айниқса, диққатга сазовор. Мисол учун, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб юртимизнинг барча ҳудудида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилади. Бу орқали жорий йилда бепул овқат бериш тизими билан 2,5 миллион нафар ўқувчини қамраб олиш мақсад қилинган. Ушбу эзгу ишга 2,7 триллион сўмга яқин маблағ ажратилади.

Аҳолига бирламчи тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини юксалтириш, бир қатор қулайликлар яратиш, касалликларни эрта аниқлаш йўналишларида ҳам улкан вазифалар белгиланган. Аниқроқ айтганда, 2023 йилда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш, 12,6 миллион нафар 18 — 40 ёшли аҳолини профилактик кўрикдан ўтказиш, 6,3 миллион нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳолини юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабет, 3 миллион кишини онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувидан ўтказиш кўзда тутилмоқда. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномалар берилиши босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилади. 2024 йил 1 январдан бошлаб тиббий маълумотномаларни қоғоз шаклда талаб қилиш тўхтатилади.

Қолаверса, 2023 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида босқичма-босқич давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилади. Бунда Сирдарё вилоятида тиббий суғуртани жорий этиш бўйича ўтказилган эксперимент натижалари инобатга олинган ҳолда, ушбу тизим босқичма-босқич республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам йўлга қўйилади. Эътиборлиси, бу орқали тиббий хизматларни молиялаштириш яхшиланади ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ошади.

Шу ўринда айтиш керакки, олиб борилган таҳлилларга кўра, мамлакатимизда 10,7 миллион аҳоли соғлом турмуш тарзига риоя этмайди. Яъни 16,5 фоиз аҳоли тамаки ва 4,7 фоизи алкоголь истеъмол қилиши, 16 фоизи мева ва сабзавотлар тановулига етарлича эътибор бермаслиги, 32,9 фоизида ортиқча вазн ва 23,5 фоизида семизлик мавжудлиги, 38 фоизида юқори артериал босим ва 8,4 фоизининг қонида қанд миқдори юқорилиги аниқланган.

Эътиборлиси, айни шу жиҳат ҳам лойиҳада ўз ифодасини топган. Яъни аҳоли ўртасида юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш мақсадида “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилиши белгиланган.

Бунда смартфон ва мобиль иловалар ёрдамида аҳолини ўз соғлиғи ва овқатланишини назорат қилишга ўргатиш, тўғри овқатланиш бўйича мобиль илова яратиш, болаларга мўлжалланган носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар, дори воситалари, биологик фаол моддалар ҳақидаги тарғибот ишини кўпайтириш режалаштирилган. Таълим муассасаларида болалар ва ёшлар учун тавсия этилмайдиган маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлаш ва истеъмолини камайтириш, иш жойларида ходимларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши ва соғлом овқатланиши учун зарур шарт-шароит яратиш ҳам кўзда тутилган. Бу орқали аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кексалар орасида соғлом овқатланишни, жисмоний фаолликни тарғиб қилиш ҳисобига юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Умуман олганда, лойиҳада белгиланган бошқа йўналишлардаги вазифаларни назардан қочирмаган ҳолда айтиш мумкинки, жорий Давлат дастурида белгиланган вазифалар замирида халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, ўртача умр кечириш муддатини бир неча йилга узайтириш, муҳими, ёшларнинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитни яратишдек эзгу мақсадлар мужассам.

**Манзурахон САЛИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Муносабат

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВДА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

*Барчамизга аёнки, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, бу бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, бу масалалар юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш стратегик йўналишга айланди.*

Буни юртимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан зиёд халқаро ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси, 4 та факультатив протоколига қўшилгани ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилингани ҳам тасдиқлайди.

Мазкур йўналишдаги мақсадларга эришишда таълим дастурлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан тушунарли. Негаки, ҳар бир ислоҳотнинг туб замирида сифатли таълим ётади. Президентимизнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади” дея алоҳида таъкидланиши ҳам бежиз эмас.

Тан олиш керакки, шу кунга қадар инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбияни ривожлантириш борасида муайян муаммолар тўпланиб қолган эди. Буларга барча олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ўргатиш бўйича махсус ўқув курслари йўлга қўйилмаганлиги, дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари эскирганлиги, замон талабларига жавоб бермаслиги, ушбу соҳани молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан куни кеча қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан мазкур муаммоларнинг ижобий ечимлари белгилаб берилди.

**Жумладан:**

- 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ўқув ва махсус курслари, шунингдек, раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича ўқув курслари (соатлари) жорий этилади;
- “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари” сингари туркум қўлланма ва рисолалар тайёрланади;
- терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари доимий равишда йўлга қўйилади;
- ҳар йили “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар” миллий танлови ўтказиб борилади;
- ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар, болалар ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида фаолияти мазкур шахслар билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренинглар уюштирилади.

Шу ўринда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш амалиёти ривожланган, жумладан, Франция, Германия, Япония, ХХР ҳамда қўшни ва қардош мамлакатлар — Қозоғистон, Тожикистон, Туркия ва Озарбайжон тажрибасида ҳам мавжудлигини айтиш зарур.

Юртимизда инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий таълим дастурининг қабул қилиниши БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон ҳамда Инсон ҳуқуқлари таълими ва тарбияси тўғрисидаги декларациялари, 1993 йилги Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури ҳамда 2018 йил 27 сентябрда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш томонидан қабул қилинган “39/3. Инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон таълим дастури” талаб ва тавсияларига ҳам тўла мос келади.

Умуман олганда, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар, юқорида номи келтириб ўтилган қарордан келиб чиқиб, янгича ёндашувлар асосида давом эттирилади. Бу жараённи назорат қилиб бориш биз, парламент вакилларидан катта масъулият талаб этади.

**Арзиқул СОАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ЛОЙИҲА ҚАНДАЙ ЭҲТИЁЖ ТУФАЙЛИ ТАЙЁРЛАНДИ?

*Қонунчилигимизда ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, ундан хўжасизларча фойдаланиш ҳамда ер ҳисобини юритишдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.*

## Фикр

Президентимизнинг тегишли Фармонида Бош прокурор ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг бузилишига, шу жумладан, ер участкаларини бериш ва олиб қўйиш билан боғлиқ ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаши кераклиги ҳам акс этган.

Аммо судлар томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ низоларни ҳал этишдаги муаммолар ўрганилганда, мазкур тоифадаги ишларда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга мулк ҳуқуқини белгилаш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни узоқ муддатли ижарага бериш мажбуриятини юклаш ҳақида қарорлар қабул қилинган ҳолатлар аниқланган.

Парламент қуйи палатаси мажлисида кўриб чиқилган “Судларда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ ишларни кўриш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳасида бу борадаги муҳим янгиликлар ўз ифодасини топаётир.

Хўш, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга нега зарурат туғилди? Мазкур ҳужжатда қандай янги нормалар белгиланмоқда?

Аввало айтиш керакки, амалдаги қонунчилик, яъни Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодекслар ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда прокурорнинг иштироки юзасидан алоҳида норма келтирилган. Унга кўра, прокурор фақат қонунда белгиланган ва прокурор томонидан даъво аризаси қўзғатилган ишлар бўйича иштирок этиши мажбурийлиги белгиланган. Прокурорнинг ўзга шахслар томонидан қўзғатилган ишларда иштироки эса тақиқлаб қўйилган.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, Олий суд томонидан ўтказилган таҳлилларда айрим ҳолатларда прокурорнинг иштирокисиз ерларга мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган низоларда ноқонуний, яъни қурилиш учун мўлжалланмаган ер майдонларида, қишлоқ хўжалигига ажратилган майдонларда қурилиш ишлари олиб бориш, ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари кўп аниқланган.

Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳасида Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодекслар ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар юзасидан давлат манфаатлари билан боғлиқ ишларда прокурорнинг мажбурий қатнашишини белгиловчи ўзгартишларни киритиш таклифи бериляпти.

Умуман, лойиҳа билан таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ низоларни кўриш тартибини такомиллаштиришга, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг самарали ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

**Адҳам ШОДМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХАВФСИЗ АХБОРОТ МАЙДОНИ ЗАРУРАТИ

1

Ахборот хуружлари дея таърифланаётган бундай хатти-ҳаракатлар у ёки бу мамлакатга фақатгина таҳдид қилишдангина иборат эмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Аслида бундай эълон қилинмаган "уруш"лар замирида ёлғон ахборот тарқатишдан ташқари ижтимоий онгни эгаллаш, нишонга айланган мамлакат аҳолисининг миллий ва маданий қадриятларини йўқ қилиш, уни тарихий хотирасидан айириш билан бирга кишилар онги, турмуш тарзига ёт ва бегона қадриятларни сингдириш мақсадлари ҳам ётибдики, бу ана шу ҳудуддаги аҳолини манқуртлик кўчасига киритишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Кузатувчилар айни пайтда дунё ахборотларининг 80 фоизини бир қатор агентликлар тарқатаётганини эътироф этади. Бу эса айнан ана шу ташкилотларга эгалик қилаётганларнинг имкониятлари устунлигини, ўзлари хоҳлаган ахборотни ўзларига қулай ва фойдали тарзда баён этиш, шу йўл билан ахборот тарқатиш маконида етакчилик қилаётганини кўрсатади. Яъни кимки ахборотни биринчи бўлиб тарқатиш, уни истеъмолчига етказиш имкони бўлса, ўша устунликни қўлга киритяпти. Ана шундай бир шароитда эса ахборот хуружларига қарши иммунитет шакллантирилмаган ёки шаклланмаган давлатларда замири пуч турфа инқилобларни уюштириш мумкин бўлиб қолди. Агар маълум бир муддат ўтгач ана шу давлатлар аҳолисининг турмуш тарзи, иқтисодиёти ва халқ фаровонлиги бир баҳя бўлса-да, ижобий томонга ўзгарганида эди, бундай инқилобларнинг жабрини тортаётган халқлар норозилиги кучаймаган бўлар эди.

Эрамиздан аввалги VI асрда яшаган Хитой файласуфи Сун Цзи қўлланмаларида ахборот хуружларининг бошқачароқ тури, яъни психологик урушларда фойдаланиш мумкин бўлган услублар баён қилинади. Файласуфнинг фикрича, ўз ғанимини енгиш учун, энг аввало, "душманингиз мамлакатидаги ҳамма яхши нарсаларни пароканда қилинг, раҳбарлари обрўсини тўкинг ва ўрни келганда уларни жамоатчилик олдида изза қилинг, шу мақсадда энг қабиҳ ва разил кишилар билан ҳамкорликдан фойдаланинг, фуқаролари орасида низо ва тўқнашувлар келтириб чиқаринг, ахборот ва шериклар сотиб олиш учун таклиф ва совғаларга сахий бўлинг, ёшларни кексаларга гиж-гижланг, умуман, пулни ҳам, ваъдаларни ҳам аяманг, чунки улар ажойиб натижалар беради" қабилидаги маслаҳатлар берилади. Биз бугун дунё деб аталмиш улкан саҳнада ана шундай сценарийлар кун сайин сайқалланаётганига, ривожлантирилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Демак, дунёда ахборот хуружлари ҳалигача тинмаётган, аксинча, ҳам шаклан, ҳам мазмунан ривожланаётган экан ахборот хавфсизлиги масаласи энг муҳим мавзулардан бири бўлиб қолаверади. Дунёда ягона ахборот макони шаклланиб улгургани, бирор-бир давлат бу макондан ажралган ҳолда яшай олмаслигини инобатга олсак, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонимиз учун ҳам бу масалалар ўз аҳамиятини йўқотмайди.

XXI асрда маълум бир мақсадларни амалга оширишда катта-катта корпорациялар, турли сиёсий кучлар ва марказлардан ташқари, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари билан қуролланган оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнаётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Бундан ҳам хатарлиси — айрим ривожланган давлатлар ахборот урушларининг математик моделларини такомиллаштиришга зўр бера бошлагани. АҚШнинг разведка бўйича ҳисоботида алоҳида таъкидланганидек, асримиздаги дунё урушларида айнан ахборот урушлари ҳукмронлик қилмоқда. Маълумки, "ахборот уруши" деганда, бир мамлакат ёки давлатлар бирлашмаларининг иккинчи бир мамлакатга қарши оммавий ахборот воситалари (босма ва электрон матбуот, интернет) орқали амалга ошириладиган хуружлари тушунилади. Аксарият ҳолларда ҳатто ғоявий, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни рўёбга чиқаришда шундай сохта ахборотлардан фойдаланиладики, бу оддий фуқароларнинг ахборотнинг рост ёки ёлғонлигини ажратолмай қолишига ҳам олиб келади. Мақсад эса нишонга олинган мамлакат ва унинг раҳбарлари обрўсига путур етказиш, ўша мамлакат қуролли кучлари ва тинч аҳолисини ҳокимиятга қарши қўйиш, келажакда қўлланиши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатларни оқлаш ва далиллаш, рақиб ёки душманнинг геосиёсий нафсониятларига монелик қилишдан иборатдир. Энг ёмони, бундай ахборот оқимлари жамиятга ва инсонларга ўз таъсирини кўрсатади. Шундай усулда ахборот тарқатиш, ахборотни сохталаштириш, давлат раҳбарларини коррупция ботқоғига ботганлик ва бошқа оғир жиноятларда айблаш натижасида қуролли тўдаларнинг хатти-ҳаракатлари Яқин Шарқ ва Африкани қонли саҳнага айлантиргани каби ҳолатга олиб келди. Ва бу ҳолат дунё жамоатчилиги кўз ўнгида намоён бўлди. Ҳатто сохта демократлар амалдаги ҳукуматнинг юзини қора қилиш учун тинч аҳолини қирғин қилиб, айбни ҳукумат қўшинларига ағдарган ҳолатлар ҳам юз бериб турибди. Афсуски, одамлар кўп ҳолларда — баъзан соддалик, баъзан эътиборсизлик орқали ахборотнинг сохта ёки ҳаққоний эканлигини текшириб ҳам ўтирмайдилар.



Табиийки, ўзини ҳурмат қилган ва ўз фуқаролари хавфсизлигини ўйлаган ҳар қандай мамлакат иғвогарлик ва фитнага чақирувчи ахборотни оммалаштирмасликка интилади. Бир вақтлар Ироққа қарши ҳарбий кампания бошланиши олдидан жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ироқ хусусида фақат салбий образ шакллантирилган бўлса, бугунги кунга келиб Осиё ва Африканинг қатор мамлакатлари ахборот ҳужумига дучор этилаётир. Ҳатто юз берган кичик бир тўқнашув ёки бир гуруҳ оломон намойишининг ҳам бўрттириб кўрсатилаётгани жаҳон жамоатчилиги онгида ўша давлатга нисбатан салбий фикрнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Сайёрамизнинг турли бурчакларида, турли мақсадларда ахборот хуружи ўз таъсирини ўтказаётган бир вақтда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳар бир мамлакат турли сиёсий кучларнинг стратегик режаларини амалга ошириш учун халқаро майдонда илгари сурилаётган ниқобланган сиёсатнинг асл моҳиятини ўз вақтида англаши ва бунга қарши муносиб чоралар кўриши муҳим аҳамият касб этади. Шундай ҳам қудратли давлатларнинг табиий бойликларга эга бўлган мамлакатларга нисбатан олиб бораётган ғаразли мақсадлари улкан минтақаларда тинч ҳаётнинг издан чиқишига, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келишига сабаб бўлаётганини жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳам кўрсатиб турибди.

Ўз вақтида Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий арбоби Маҳатма Ганди шундай ёзган эди: "Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман". Бу сўзларни бугунги ахборот хуружлари ва турли хил маълумотларнинг турли йўллар билан юртимизга, умуман, бошқа мамлакатларга ҳам кириб келиб, у ёки бу минтақада асрлар мобайнида шаклланган қадриятлар, урф-одатлар, эътиқод шаклларига ва тарбия услубларига салбий ёки ижобий таъсири жараёнлари маъносида қўллаш ҳам мумкин. Бу эса айни чоғда интернет тармоғини чеклаш керак экан-да, деган маънони англатмаслиги керак. Замонавий дунёда ўз қобиғига ўралиб олиш ҳам тўғри йўл эмас.

Бугун интернет замони. У инсонларга оммавий мулоқот эшигини очиб берди. Ёшлар дунё тилларини бемалол эгаллаётган, ҳам яхши, ҳам ёмон таъсирлар, хуружлар мавжудлиги шароитида шахснинг ўзини ўзи психологик жиҳатдан салбий таъсирлардан ҳимоя қила олиш имкониятларини кенгайтириш, ҳақиқий ҳамда "фейк" хабарларни ажрата билиш, инсон онги ва тафаккурини интернет орқали тарқалаётган маълумотларга нисбатан "фильтр"ни шакллантириш энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон ана шу ягона ахборот тизимининг фаол субъекти. Дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлик, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида иштирок этиш, давлатлараро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий алоқалар умумжаҳон ахборот тизими таркибида уддаланмоқда. Бу бевосита электрон почта, электрон ахборот алмашиш тизими орқали ҳам миллий, ҳам дунёвий муаммоларни ҳал этишда фаолият самарадорлигини оширишда, вақтни тежашда, молиявий харажатларнинг кескин камайишида, қолаверса, замонавий ахборот алмашинув салоҳиятини намоён қилишда катта самара бермоқда. Ҳозирги замон ахборот тизими, унинг кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишнинг умуммиллий манфаат ва умуммиллий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг моҳияти ва унсурларини чуқур англаш зарур бўлиб қолаётир.

Ахборот хуружи, асосан, уч даражада амалга оширилади: стратегик, сиёсий ва тактик. Стратегик даражадаги ғалаба 4-5 авлод ҳаётига, сиёсий даражадаги ғалаба бир-икки авлод ҳаётига таъсир этса, тактик ғалаба бир неча йилга таъсир эта олади. Ана шу фактдан келиб чиқиб, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Бунда кўп миллатли, хусусан, 130 дан ортиқ миллатлар ва элатлар яшаётган, 16 та диний конфессия фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро можароларни, турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни ўрганиб бориш зарур. Бу борада аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлилий ечимларга эга бўлиш муҳим ўрин тутади. Ахборот-психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, қарашлари, руҳияти — ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизими бевосита ижтимоий хавф, миллий таҳдид, тараққиётга тўғаноқ сифатида баҳоланмоғи ва унга қарши кучли механизмни яратишни тақозо этади. Бунда давлат ахборот сиёсати алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, Ўзбекистонда ахборот тизими, уни бошқариш, ундан фойдаланиш борасида қатор қонунлар бор. Жумладан, киберхавфсизлик, электрон рақамли имзо ва шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда замонга қараб қонунлар ҳам такомиллаштирилиб борилади. Ахборот таҳдиди шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, мамлакат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охир-оқибат ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам. Чунки ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши кўзга ташланмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун бунга биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар эга бўлиши шарт: давлат тузилмалари хизматчилари, ҳарбийлар, журналистлар, педагоглар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва бошқалар.

Демак, маърифатпарварлик биз учун ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт барқарор бўлади. Бундан чиқариладиган хулоса шуки, ахборот-психологик хавфсизликка таҳдиднинг биринчи манбаси бу инсоннинг ўзидир. Бундан ташқари, бошқа манбалар ҳам бор. Улар, энг аввало, ташқи ва ички манбаларга бўлинади. Ташқилари қаторига бошқа мамлакатлар Ўзбекистон ахборот ҳудудида ҳукмронлик қилишга йўналтирилган ҳаракатлардан ҳосил бўлади ва турли нохолис сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, жамоавий тузилмалар вакилларининг фуқароларимизга нисбатан салбий таъсир кўрсатишидан иборат. Бундай ҳаракатлар, жумладан, хорижий ОАВ, турли нодавлат, жамоавий ташкилотлар, жамғармалар, гуруҳлар ва манфаатдор блогерлар томонидан амалга оширилади.

Ички таҳдидлар сирасига: аҳолини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари етарли эмаслиги; фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаётганлиги: фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари жавобсиз қолиб кетиши: ахборот бозори ривожланиши давлат томонидан назорат қилинмаслиги: фуқаролар давлат тузилмалари фаолияти ҳақида етарли ахборот ололмаслиги: юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар уларга тушунтириб берилмаслиги ва бошқалар киради.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг манбаларига қўшимча равишда бутун жамият ва миллатга хавф солаётган манбаларни ҳам келтириш мумкин. Масалан, миллатчилик, шовинизм, империявий тафаккур, мафкуравий экспансионизм ва бошқа шу каби иллатларни қўзғатувчи давлатлар, ташкилотлар ва шахслар.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охирги олти йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жамиятнинг барча йўналишида сиёсий, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тубдан ўзгариб, тезлашиб бормоқда.

Барча ижтимоий жараёнлар сингари глобаллашув ҳам ижобий ва салбий хусусиятларга эга. Бундай шароитда шахс ўз мустақил фикрига, миллий ва умумбашарий қадриятлар, соғлом негизда шаклланган дунёқарашга, мустаҳкам иродага эга бўлмаса, глобаллашув жараёнида вужудга келаётган турли таъсирларга бардош бериши қийин. Бундан ташқари, ёшларда ахборот-психологик таъсирларга қарши курашиш иммунитетини шакллантириш, мустақил ва таҳлилий фикрлаш жараёнини ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда. Энг асосийси, ёш авлод тарбиясига, ёшларни умумбашарий қадриятлар асосида мустақил фикрловчи, иродали шахс қилиб тарбиялаш ҳамда вояга етказиш ишлари тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Табиийки, бу ахборот хуружлари даврида ўзининг ижобий натижасини беради.

Чунки илмий кашфиётлар оқибатида универсал технологияларга асосланган ахборот тарқатиш ва алмашув, шу билан бирга, турли технологияларга асосланиб, ғоявий таъсир кўрсатиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Психологик ва педагогик назарияларга эътибор қаратсак, ёшларнинг ички дунёси, шахснинг шаклланиши 6 ёшдан бошланиб, 24 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бугунги кунда бузғунчи кучларнинг ҳаракати ҳам айнан 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшларни қамраб олмоқда.

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир ёшни маънавий баркамол, иродаси бақувват, қисқача айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс қилиб тарбиялаш давр талабидир. Ва айни жараёнда замон билан тенгма-тенг қадам ташлаш, унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш барчамизнинг олдимизга муайян талабларни қўйишини унутмасак бўлгани. Зеро, ёшлар онгу қалбини асраш келажакни асраш демакдир.

**Бахтиёр МАҲКАМОВ,**
**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

## Тадбир

# БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ИЖОДИДА ОДАМИЙЛИК ВА ТАЪЛИМ МАВЗУСИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги муносабати билан "Навоий ва Бобур ижодида одамийлик ва таълим" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

Унда атоқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қатнашди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда улуғ аждодларимизга нисбатан муносабат ҳар қачонгидан ҳам юксак — уларнинг маънавий-маърифий меросини ўрганишга бўлган эътибор тубдан кучайди. Хусусан, бугунги кунда буюк сиймоларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳамда ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг илмий-маданий меросини асраб-авайлаш ҳамда кенг оммалаштириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди.

Қайд этилганидек, мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори буюк шоир ҳамда мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 январдаги "Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, унга кўра буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби Бобурнинг илмий-ижодий меросини, давлатчилик фаолиятини кенг ўрганиш, халқаро миқёсда илмий изланишлар олиб бориш, унинг номи билан боғлиқ обида ва ёдгорлик мажмуаларини таъмирлаш борасида тизимли ишлар бажарилмоқда.

Тадбирда буюк аждодларимиз нафақат илмий-ижодий, балки миллий давлатчилик ва адолатли жамият барпо этиш борасидаги фаолияти билан ҳам жаҳон тарихида ўчмас из қолдиргани алоҳида эътироф этилди.

Таъкидланганидек, Навоий асарларида давлатчилик асослари, инсон ҳуқуқи масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, фаровон жамият, адолатли бошқарув ғоялари акс этган. Бобур Мирзо асарларида салтанатни идора этишда халқ хоҳиш-иродасини инобатга олиш, уларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш бош ғоя сифатида ўрин олган.

Тадбирда сўзга чиққанлар Навоий ва Бобур фиқҳ илмининг чуқур билимдони, ҳозирги замон ибораси билан айтганда, етук ҳуқуқшунос бўлганликлари, улар бу соҳага тааллуқли "Сирож ул-муслимин" ва "Мубаййин" деб номланган ҳуқуқий асарларни ёзишганига урғу бердилар. Шу билан бирга, икки буюк сиймонинг туркий тил ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси хусусида фикр билдирилди.

Тадбирда иштирокчилар Алишер Навоий ва Бобур Мирзо асарларидаги миллий ва умуминсоний ғоялар, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги қарашлари бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган халқпарвар сиёсатга мафкуравий асос эканлигини қайд этиб, уларнинг меросини чуқур ўрганиш ҳамда оммалаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар беришди.

**«Халқ сўзи».**

Реклама

Халқ билан мулоқотни кенгайтириш, фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш ҳамда аҳоли учун банк соҳасига оид долзарб муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида ҳар ойнинг учинчи пайшанбаси Марказий банкнинг Тошкент вилояти бош бошқармасида жисмоний ва юридик шахс вакиллари учун

**«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»**

деб эълон қилинади.

# ФРАНЦИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА ИШЧИ ГУРУҲ ТУЗИЛДИ

*Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21-22 ноябрь кунлари Францияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида "Навоийуран" давлат корхонаси ҳамда Франциянинг "Orano Mining" компанияси ўртасида уран қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида стратегик ҳамкорлик бўйича келишув имзоланган эди.*

## Учрашув

Ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиққан мазкур келишувга асосан баҳолаш ҳисоботини тақдим этиш ва техник шерикликнинг "Йўл харитаси" бўйича батафсил ҳаракатлар режасини тузиш учун геологлар, гидрогеологлар, тоғ-кон ва технологик муҳандислардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Шу муносабат билан "Orano Mining" компанияси вакиллари ва экспертларидан иборат ишчи гуруҳи "Навоийуран" давлат корхонасига ташриф буюрди.

Франциялик мутахассислар дастлаб "Навоийуран" ДК бош директори Жаҳонгир Ҳасанов ва масъул мутахассислар билан учрашиб, унда стратегик ҳамкорлик бўйича келишув доирасида амалга ошириладиган ишлар ва ишчи гуруҳ олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Айни чоғда корхонанинг умумий фаолияти бўйича маълумотлар тақдим этилди.

"Халқ сўзи" мухбири "Orano Mining" компанияси мутахассисларининг таассуротлари билан қизиқди.

— Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи доирасида эришилган келишувларга кўра, "Orano Mining" компанияси "Навоийуран" ДК билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш белгиланди, — дейди "Orano Mining" компанияси технологик жараёнлар бўйича мутахассиси Бертран Оливер Мари Квиниу. — Шу мақсадда "Навоийуран" ДКда ўз соҳамизга оид ҳар бир йўналиш бўйича маълумотларни ўрганиш ишларини олиб боряпмиз. Бундан мақсад ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уран ишлаб чиқаришни кластер даражасига етказиш. Ўрганишлардан кейин қўшма ҳисоботлар тайёрланади ва унинг натижасида ривожланиш чора-тадбирлари ҳамда "Йўл харитаси" ишлаб чиқилади.

— "Orano Mining" компанияси фаолияти "Навоийуран" ДК билан бир йўналишда бўлгани учун ҳам ўзаро ҳамкорлик ҳар жиҳатдан манфаатли, албатта, жуда қизиқарли деб ўйлайман, — дейди "Orano Mining" компанияси тоғ-кон саноати бўйича катта эксперт Андреас Миттлер. — Бу ерда маҳаллий мутахассислардан ўрганадиган жиҳатлар жуда кўплигига амин бўляпман. Биз нафақат ўзимизнинг компанияда орттирган тажрибамизни, балки жаҳоннинг бир нечта мамлакатлари, хусусан, Қозоғистон ва Мўғулистонда шу йўналишда олиб бораётган тажрибамизни ҳам қўллаб, ўз фикрларимиз билан ўртоқлашамиз. Бизни ҳайратга солаётган яна бир нарса шуки, конлар мураккаб географик-иқлим шароитида жойлашган бўлишига қарамасдан, уранни қазиб олишда юқори натижаларга эришилаётганлигидир. Бундай қийинчиликлар ва об-ҳаво инжиқликларига қарамасдан биргаликда уран ишлаб чиқариш даражасини икки баробар оширишни мақсад қилганмиз. Бу натижага эришиш учун кончилик ҳамда геология-қидирув ишларини рақамлаштиришни режалаштирганмиз. Ишонаманки, ҳамжиҳатликда бу ишларни амалга ошира оламиз ва ўз хулосаларимизни берамиз. Албатта, халқаро тажриба ва тавсияларимиз ҳар икки томонга ҳам фойдали бўлади.

Мулоқот чоғида ҳамкорларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишув якунлари юзасидан таҳлил ва тавсиялари муҳимлиги таъкидланди.

**Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).**

## Семинар

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг аҳамияти, бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида семинар ўтказилди.*

*Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги "Ишга марҳамат" мономарказида бўлиб ўтган семинарда депутатлар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ходимлари, маҳалла фаоллари, ҳоким ёрдамчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

Семинарда мамлакатимизда мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар ҳамда "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармонининг аҳамияти, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида мутасаддилар томонидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш борасида сўнгги йилларда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда ишни маҳаллабай ташкил қилишнинг муҳим жиҳатлари, ногиронликни белгилашнинг анъанавий "тиббий" моделидан замонавий "ижтимоий" моделига ўтиш концепцияси каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ёрдам дастури билан қамраб олиш даражасини 58,8 фоиздан 98,1 фоизга етказиш, камбағаллик даражасини 17,0 фоиздан 5,0 фоизга қисқартириш, аҳолининг меҳнат бозорида кўрсатиладиган хизматлар билан қамраб олинганини 64,2 фоиздан 70,0 фоизга ошириш, ишсизлик нафақасини олувчи ишсизлар улушини 5,7 дан 7,0 фоизга кўтариш каби ижтимоий ҳимоя соҳасига тааллуқли 10 та мақсадли кўрсаткич белгиланган.

Ушбу мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш борасида 2022 йилда салмоқли ишлар қилинди. Натижада камбағаллик даражаси 2022 йилдаги 17 фоиздан 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, 14,1 фоизга тушди. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш мақсадида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими ишга туширилди. Бу тизим фаолияти мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ўтган йили "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га 2,3 млн. оила киритилган бўлиб, 2,2 млн. кам таъминланган оилага болалар нафақаси ҳамда 74,8 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам сифатида жами 11,4 трлн. сўм маблағ тўлаб берилган.

Семинарда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбга ўргатиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди. 2022 йилда фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш кўламини кенгайтириш мақсадида "Ишга марҳамат" мономарказлари сони 23 тага, маҳалла касб-ҳунарга ўқитиш масканлари сони 489 тага етказилгани айтилди.

Эътиборлиси, мазкур таълим муассасаларида 140 минг ишсиз касб-ҳунарга ўқитилиб, имконияти чекланган шахслар бандлигини таъминлаш мақсадида алоҳида миллий дастур ишлаб чиқилган ҳолда, ногиронлиги бўлган 15 минг фуқаронинг бандлигига кўмаклашилди.

Тадбирда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлик соҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар устидан депутатлик назоратини янада кучайтириш, дастур ижросини ҳар ой якуни бўйича туман, шаҳар ҳокимликлари қошидаги доимий ишчи комиссия йиғилишларида муҳокама қилиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Савол-жавоблар тарзида ўтган семинар якунида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ишлар самарадорлигини оширишга оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

